Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 78 (21. 197) 1992 йил 18 апрель, шанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Исломнинг икки муқаддас масжиди ҳодими, Саудия Арабистони подшоси Фаҳд бин Абдул Азизнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти жаноби олийлари Ислом Каримов 1412 ҳижрий йилининг 8—10 шаввол кунлари (1992 милодий йилнинг 11—13 апрель кунлари) Саудия Арабистони подшолигига расмий ташриф буюрдилар. Ташриф чоғида жаноби олийлари билан исломнинг икки муқаддас масжиди ходими ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида икки қардош давлат ўртасидаги икки томонлама муносабатлар муҳокама қилинди ҳамда халқаро аҳвол масалалари, хусусан, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилиши жараёнига ва Афғонистон муаммосини ҳал этишга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Саудия томони Ўрта Осиё мусулмон республикаларининг мустақилликка эришганликлари ва уларнинг миллий, маданий эътиқод ва имон қадриятларининг тикланаётганлиги муносабати билан ўзининг ғоят мамнун эканлигини изҳор қилди. Бу эса дунёнинг мана шу минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Томонлар иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигидан мамнуният ва хушнудлик изҳор қилдилар ҳамда иккала мамлакат ўртасида қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш йўлида иккала халқ орзу-ўйлари ва муддаоларини барча соҳаларда рўёбга чиқариш ҳамда ўзаро манфаатларни амалга ошириш учун ҳаракат қилишга қарор қилдилар.

Томонлар мусулмон дунёсини ривожлантириш ишидаги фаолиятда жиддий ва самимий ҳаракатлар қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик сиёсати, давлатлар ва халқлар ўртасида қурол ишлатмаслик учун, қардошларча тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши учун барча кучғайратларини бирлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Икки қардош мамлакат ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳамда тарихий ва маданий алоқаларни қўллаб-қувватлаш муддаосидан келиб чиқиб, томонлар иқтисодий, савдо, техника, сармоя, ёшлар ўртасида ва спорт соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Ҳар иккала мамлакатда амал қилаётган қоидалар ва қонунларга мувофиқ, иқтисодий, савдо, сармоя ва техникавий соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш ҳамда иқтисодий, савдо ва техника соҳаларидаги делегациялар ҳамда гуруҳларни ўзаро бир-бирларига юбориш ва ҳар икки мамлакат ўтказадиган халқаро тижорат ва саноат кўргазмаларида иштирок этиш мақсадларида, шунингдек, фан, техника, маданият, спорт ва ёшлар масалалари соҳасида ҳамкорликни рағбатлантириш учун ҳамда икки қардош мамлакат ва улар халқларининг равнақи ва ривожланишига фойда келтириши мумкин бўлган барча ишларни амалга оширишга интилиб, томонлар тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга қарор қилдилар.

Томонлар ҳар иккала давлатларда қабул қилинган ташкилий тадбирларга мувофиқ, иқтисодий, савдо, техникавий, маданий ва илмий соҳаларда, шунингдек, ёшлар ва спорт масалаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар тайёрлашга келишиб олдилар.

Томонлар Яқин Шарқдаги тинч йўл билан ҳал қилиш жараёнини қўллаб-қувватлашларини, Фаластин халқининг миллий ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал амалга оширишни ўз ичига олувчи Фаластин масаласини доимий ва адолатли ҳал қилинишига эришувнинг муҳимлигини таъкидладилар.

Томонлар Афғонистондаги низони ҳал қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида олиб борилаётган халқаро ҳаракатлардан ўзларининг мамнун эканликларини таъкидлаб ўтдилар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби билан муҳолиф томонлар ўртасида эришилган, Афғонистонда хавфсизлик ва тинчликни тиклашни таъминлайдиган сўнгги битимни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Президент жаноби олийлари Ислом Каримов ташриф чоғида Президентга ва унга ҳамроҳлик қилувчи делегацияга кўрсатилган дўстона ва самимий қабул учун, шунингдек, исломнинг икки муқаддас масжиди ходими подшо Фаҳд бин Абдул Азизнинг исломнинг юксак ва олижаноб қоидаларидан келиб чиқиб, ривожланаётган мамлакатларнинг тикланишида ҳамда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва бирдамликни қўллаб-қувватлашда ва ана шу мамлакатлар халқлари ўртасидаги қардошларча муносабатларни мустаҳкамлашда қатнашиб кўрсатаётган ёрдам ва ҳаракатлари учун исломнинг икки муқаддас масжиди ходими подшо Фаҳд бин Абдул Азизга ва Саудия халқига миннатдорчилик изҳор қилдилар.

АКАДЕМИЯ ФАНИ: ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Туб ислоҳотларни амалга ошириш шароитида, айниқса республиканинг бозор муносабатларига ўтиши даврида долзарб муаммоларни ҳал қилишда фаннинг аҳамияти ва олимларнинг масъулияти ортади. Мустақил республика илм-фани янги вазифаларни ҳисобга олиб, жуда кўп энг муҳим йўналишларда жаҳон даражасига чиқиб олишга йўналтирилиши керак.

Ҳозирги пайтда жамиятни жадал ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишда етакчи ўрин тутиши лозим бўлган илм-фанни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг олимлар билан учрашувида шу ҳақда гап борди. Президент 17 апрель куни академиянинг биоорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси илмгоҳларини, «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг физика-техника илмгоҳини кўриб кўрди. Учрашувда бир қанча вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, республика илмий жамоатчилигининг намояндалари қатнашдилар.

Президентнинг тадқиқотчилар билан учрашуви анъанага айланиб қолди. Ҳозирги учрашув алоҳида аҳамиятга эга — у катта воқеа арафасида, яъни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг йиллик йиғилиши арафасида бўлиб ўтди. Бу йиғилишда ўтган йилги фаолият якунлари чиқарилади, академия фанининг аҳволи ва унинг бундан буёнги истиқболларига доир масалалар кўриб чиқилади.

Президент ташриф буюрган биоорганик кимё илмгоҳининг лабораторияларида озиқ-овқат саноати учун қимматбаҳо ранглар, ғўзанинг ривожланишини тезлаштирадиган препаратлар, яхши шифобахш дорилар яратилмоқда. Чунончи, Қўқон ёғ-мой комбинатининг чиқитларидан шифобахш госсипол малҳам дори олинди. Илмгоҳнинг пахта тунлами феромонини синтез қилган олимлари куч-ғайрати билан бу ерда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари ишлаб чиқилмоқда ва кенг қўлланилмоқда.

Президент Ўзбекистон фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси илмгоҳида янги дори-дармонлар яратиш соҳасидаги ишланмалар билан танишди, бу ишланмалар ҳозир табобатда жорий этилмоқда Масалан, бу ерда аллапинин деган дори олинди, у юрак уриши мароми бузилишига қарши самарали восита ҳисобланади. Бироқ бу дори кам туркумда ишлаб чиқарилмоқда, бинобарин, республикамиз аҳолисининг бундай дорига эҳтиёжини ҳозирча қондира олмайди.

Илмгоҳ олимларининг бошқа қизиқарли ишланмалари орасида халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун жуда зарурлари ҳам кўп. Масалан, қандшакар ўрнини босадиган модда олинди, ундан қандолат саноатида фойдаланиш мумкин. Бу ерда мармелад тайёрлашда ишлатиладиган пектин ҳам олинди.

«Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг физика-техника илмгоҳида ҳам жаҳон даражасидаги ишланмалар мавжуд. Гелиоматериалшунослик соҳасидаги тадқиқотлар бу ерда устивор йўналишга айланди. Ўзбекистон ҳудудида ўта соф қотишмалар олишга имкон берадиган ноёб қуёш «печи» бор. Электрон саноати, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ана шундай қотишмаларга муҳтождир.

Президентга табобат соҳасида қўлланиладиган ва микробларни ўлдирадиган моддаларни ишлаб чиқиш муносабати билан вужудга келадиган катта имкониятлар ҳақида сўзлаб беришди. Бундай моддалар бошқа мамлакатларда йўқ. Шунингдек, Президентга инфрақизил нурлар асосида яратилган ва автоклавлар ўрнини босадиган қиздирувчи жовонлар ва қуритиш ускуналари ҳақида сўзлаб беришди.

И. А. Каримов учрашувга якун ясаб, илм-фан ҳозирги пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгартишларнинг таркибий қисми бўлиб қолиши лозимлигини таъкидлади. Куч-ғайратларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий муаммоларини ҳал қилишга сафарбар этиш, бошқарувнинг самарали усулларини, илм-фанни ташкил этишнинг пировард натижа учун илмий жамоалар масъулиятини оширишга қаратилган илғор шаклларини тезкорлик билан излашни авж олдириш зарур. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида илмгоҳларнинг олимлари ва мутахассислари ўз ишланмаларининг рақобатбардошлигини тасдиқлашларига, самарали пировард натижаларга тезроқ эришишларига тўғри келади.

Олимлар билан суҳбатда ҳозир илмий тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини оширишга, устивор йўналишларни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Илмгоҳлар Ғарб мамлакатлари билан бевосита алоқа ўрнатишга, қўшма корхоналар, лабораториялар барпо этиш тўғрисида хорижий фирмалар билан шартнома тузишга ҳаракат қилишлари лозим. Бу эса валюта ишлаб топиш ва шу йўл билан илмий муассасаларнинг моддий-техника ва тажриба ўтказиш базасини мустаҳкамлашга олиб борадиган энг тўғри йўлдир. Қолаверса, деб таъкидлади Президент, ҳукумат ишланмаларни рўёбга чиқаришдан келадиган барча валюта тушумларини ишлаб чиқариш ва илмий мақсадларга сарфлаш учун илмгоҳларнинг ўзида қолдиришни кўзда тутувчи чораларни ишлаб чиқмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, республика Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов, давлат маслаҳатчиси С. С. Саидқосимов, Бош вазирнинг ўринбосарлари Р. Ражабов ва М. Қорабоев, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

(ЎзА).

Биоорганик кимё илмгоҳида суҳбат.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзА).

• Ўзбекистон—Туркия

САМАРҚАНДГА МАФТУН БЎЛДИК

Жумҳуриятимизда меҳмон бўлиб турган туркиялик қардошлар кеча қадимий ва навқирон Самарқандга ташриф буюрдилар. Бу ерда уларни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олдилар. Туркияликлар Самарқанднинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор масканларини томоша қилдилар, меҳнат жамоаларида учрашувлар ўтказдилар, кўпгина корхона ва хўжаликлар билан иқтисодий ҳамда маданий алоқалар ўрнатиш юзасидан битимлар туздилар.

Самарқанднинг обрўси етти иқлимга кетганлиги рост. Унинг Ер юзи сайқали эканлигига биз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Амир Темур барпо этган обидаларнинг бугунги кунда ҳам асрабавайланиши дилимизни қувонтирди. Мустақиллик Самарқандга ҳам жўшқинлик бахш этаётган бир пайтда Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар фаровон турмушимизга хизмат қилади, деб ўйлайман, — деди Туркия Иқтисод кенгаши президенти Рона Юржали.

Кеча кечқурун Регистон майдонида туркиялик санъат усталари, ижрочи ёшлар ҳамда самарқандлик ҳушовоз хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Абдуллаева иштирокида катта концерт бўлди.

Учрашувларда Туркия делегацияси раҳбари жумҳурият Давлат вазири, Икром Жайҳун ҳамда Самарқанд вилоят ҳокими Пўлат Абдурахмонов дил сўзларини изҳор этдилар.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП ҲАЁТИДАН •

Ишлашни билмаган яшашни билмайди

● Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ райони ва йирик саноат шаҳарларидан бири Олмалиқда бўлиб, деҳқонлар, ишчилар, тадбиркорлар, фахрийлар, раҳбар ходимлар ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари ҳамда партия фаоллари билан мулоқотда бўлди. Катта-кичик барча учрашувларда ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш, Президентимиз фармонларининг амалга оширилиши, танг вазиятдан чиқишда партия ташкилотларининг долзарб вазифалари юзасидан фикрлар алмашилди.

Вилоятнинг бошқа районларига нисбатан Ўрта Чирчиқда мураккаб вазиятдан қутилиш йўллари дадил изланмоқда. Республика ҳукумати талаб қилганидек, бошқарув бўғинлари такомиллаштирилаётир. Хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш тезлашмоқда. Бу борада кичик корхоналар қурилишига эътиборнинг юқорилиги диққатга молиқдир. Муҳими шундаки, бу ҳайрли юмушларнинг барча бўғинларида қишлоқ меҳнаткашлари, ХДП аъзолари фаол иштирок этаётирлар.

Айни пайтда район бўйича 46 та ширкат халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, иккиламчи хом ашё ва маиший хизмат чиқиндиларини қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Ширкатлар фақат ўтган йилнинг ўзидагина 5 миллион сўмдан кўп соф фойда кўрди. «Чорвадор», «Меҳнат», «Туркистон», «Тўйтепа» сингари кичик корхоналар хизматидан кўпчилик миннатдор бўлмоқда. Ҳозиргача 57 та кичик корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шулардан 31 таси фаолият кўрсатаётир. Бу тадбир одамларни иш билан таъминлашда ҳам аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби ширкатлар, фермерлар ва кичик корхоналар ишлари билан танишар экан, бу юмушларда партия ташкилотларининг ҳиссаси салмоқли бўлаётганлигини таъкидлади. Бинобарин, ҳар қандай жабҳада ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир қилмасдан туриб, баҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳимояни таъминламай туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бундай фикр Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Меҳнат Қаҳрамони М. Рўзматов, Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Т. Мадиёров, шу хўжалик партия ташкилоти котиби В. Пак билан бўлган мулоқотлар, Тўйтепадаги кексалар чойхонаси фахрийлар даврасидаги суҳбат чоғида ҳам тўла тасдиғини топди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котибига район ҳокими М. Икромов, район партия кенгаши биринчи котиби И. Неъматуллаев ҳамроҳ бўлдилар.

* * *

Кеча меҳнат аҳли намоёндалари билан мулоқотлар Олмалиқ шаҳрида давом эттирилди. Дастлаб кон-металлургия комбинатига қарашли мис бойитиш фабрикаси, мис эритиш заводи цехлари кўздан кечирилди. Ишчи-хизматчилар иш шароитлари, моддий аҳволлари, муаммолари билан қизиқилди. Шаҳар мебель комбинатида ўтказилган давра суҳбатида эса ҳозирги мураккаб шароитда бошланғич партия ташкилотларининг роли ва вазифалари юзасидан фикр алмашилди. Тажрибали ишчи Н. Семёнова республикада ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик учун Президентимиз И. А. Каримов сиёсатидан, партия ва ҳукумат кўраётган тадбирлардан миннатдорчилигини изҳор этди. Бундай туйғуларни Олмалиқ кимё заводи кўпчилик ишчилари ҳам таъкидладилар. Бу ерда бошланғич партия ташкилоти турли соҳаларда олиб бораётган ишлар намунали қилиб кўрсатса арзирли эканлиги алоҳида қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов шаҳар корхона ва ташкилотлари бошланғич партия ташкилотлари котиблари ҳамда партия фаоллари билан учрашди.

Олмалиқ бўйлаб мулоқотларда шаҳар ҳокими Ю. Н. Беланов, шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Т. Алимов иштирок этдилар. Ҳар икки сафар чоғида ўртоқ М. М. Расуловга Тошкент вилояти партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов ҳамроҳлик қилди.

Партия ходимлари билан бўлган учрашувларда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг долзарб вазифалари ва ишларини ташкил этиш масалалари юзасидан кенг фикр алмашилди.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ва Низоми алоҳида китоб шаклида чоп этилди

● 17 апрель куни «Ўзбекистон овози» рўзномасида чоп этилган ЎзХДП Дастури ва Низоми китобларининг кўриниши.

● Долзарб мавзуда суҳбат

АКАДЕМИК ТОШМУҲАМЕДОВ ФИКРЛАРИ

● Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг фармойиши билан республика Фанлар академияси физиология ва биофизика илмгоҳининг директори Б. О. Тошмуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясининг раиси этиб тайинланди.

Бу жуда катта воқеа. Бунинг сабаби илмий ходимлар эндиликда собиқ Марказда эмас, балки мустақил республика пойтахтида аттестациядан ўтишларидангина иборат эмас. Очиғини айтайлик: Б. О. Тошмуҳамедовнинг бу лавозимга тайинланиши кўплар учун кутилмаган воқеа бўлди. Чунки Бекжон Ойбекович Тошмуҳамедов кўпгина масалаларда Президентга муҳолифлик мавқеида туради. Ана шундай пайтда бирдан кутилмаган қарор қабул қилинди. Маълумки, муайян доираларда давлат бошлиғи барча нуфузли лавозимларга «ўз» одамларини тайинлайди, деган фикр бор.

Хўш, Тошмуҳамедов ким, унинг ҳаётий позицияси қандай, бу таниқли олимни нималар ҳаяжонга солмоқда? У билан ЎзА мухбири худди шу ҳақда суҳбатлашди.

— Бекжон Ойбекович, илм-фан, айниқса, асосий илм-фанлар катта маблағни талаб қилади. Ҳозир эса, иқтисодий таназзул даврида, фақат ризқ-рўзимиз тўғрисида ўйлашга тўғри келган бир пайтда бу соҳага катта маблағ ажратилишини орзу қилиш ҳам қийин. Шунга қарамай илмгоҳингиз жамоаси ишлаяпти. Ишлаганда ҳам натижадорлик билан меҳнат қиляпти.

— Ҳақиқатан ҳам пул масаласи қийинроқ. Шунга қарамай ҳафсаламиз пир бўлгани йўқ. Асосий фанлар шу дақиқанинг ўзида самара бермайди, бу ҳар куни зўр бериб олиб борадиган меҳнатдир. Жуда кўп тажрибалар ўтказиш йўли билангина кутилган натижага эришиш мумкин. Ана шундай натижалар бор.

Ҳозир биз жуда қизиқарли иш билан бандмиз — асаб тизимини тадқиқ этишнинг кимёвий воситаси бўлган нейротоксинларни излаяпмиз. Бу ишнинг тафсилотларига тўхталиб ўтирмайман. Бир нарсани айтишим мумкин: бизнинг бу соҳадаги тадқиқотларимиз асаб ҳўжайралари фаолиятининг воситаларини очиб беради.

— Илмгоҳингиз мутахассислар орасида катта обрўга эга. Тошкентда биофизика мактаби вужудга келди. Академик Тошмуҳамедовнинг ўзи ҳам кенг илмий доираларда машҳур. Лекин буларнинг негизи собиқ СССРда яратилган. Мана энди, сизнинг илмий командангиз «алоҳида парвоз қилаётган» пайтда қандай иш тутиш керак?

— Асосий фанларни ривожлантириш фақат бадавлат, иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаган мамлакатларнинг қўлидан келади. Собиқ Иттифоқ улкан давлат ҳисобланганлиги бежиз эмас, унда асосий фанларга етарли эътибор бериб келинган. Аввалги юқори доираларда чуқур, истиқболли тадқиқотларсиз олға ҳаракат қилиб бўлмаслигини тушунишар эди. Айни пайтда авторитар тақсимот тизмаси бир вақтнинг ўзида илм-фан учун тўсиқ бўлиб қолган эди.

Ҳозир нима бўляпти? Чор-атрофда фақат иқтисодий сакраш тўғрисида гап боряпти. Хўш, иқтисодий сакрашни қандай амалга оширса бўлади? Республика иқтисодий тараққиётнинг Туркия моделини танлаб олди. Бу кўп жиҳатдан тўғридир. Чунки ана шу мамлакатда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммолар саноқли йиллар ичида ҳал этилди. Бироқ бошқа нарсага эътибор бермай, бирор моделни маҳкам ушлаб олиш ярамайди. Тўғри, у ерда иқтисодиётда, маркетингда катта натижаларга эришилди. Аммо Туркияда асосий фаннинг ўзи йўқ. Бизда эса бундай фан бор! Мен ўзим ишлаган йилларда ўнга яқин фан докторлари ва 40 дан ортиқ фан номзодларини тайёрлаганимдан фахрланаман. Улар ҳозир республикадаги кўпгина академия илмгоҳларида ва олий ўқув юртларида самарали ишлашяпти.

Яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтиш керак. Асосий фан ўз моҳияти жиҳатидан байналмилалдир. Тажрибалар ва тадқиқотлар сенинг илмгоҳингда ўтказилаётган бўлса ҳам, бошқа республикалардаги касбдошларинг нималар устида ишлаётганлигини жуда яхши биласан, киши. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Биз башарият бахт-саодати йўлида ишлаяпмиз.

— Лекин янги лавозимга тайинланганингиз муносабати билан жонажон илмгоҳдан кетишингизга тўғри келса керак? Янги лавозимингизга қандай қарайсиз?

— Менга ўзим тузган жамоа билан хайрлашиш жуда оғир. Лекин бу ерда касбдошларим, номлари илм-фан оламида машҳур бўлган олимлар қолишяпти. Хуллас, илмгоҳнинг келажагидан мен хотиржамман. Янги ишга тайинланиш тўғрисида гапирганда, таассуфки, жуда кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади. Собиқ Бутуниттифоқ олий аттестация комиссияси иш тизимини яхши биламан. У ерда нуқсонлар жуда кўп эди. Холис баҳо бермаслик ҳам, таниш-билишлик ҳам... шулар жумласидандир.

Лекин ижобий томонлари ҳам бор эди. Нималар дейишганда ҳам Ер юзининг олтидан бир қисми ҳудудида фаннинг барча соҳаларида чинакам истеъдодли олимларни топиш мумкин эди. Бизга қийинроқ бўлади. Ўзбекистонда асосий фан мустаҳкам мавқеда турган бўлса ҳам, ҳар ҳолда барча йўналишларда шундай эмас. Шу боисдан ўзимизни бир республика доирасида чеклаб қўйишда маъно йўқ. Чамаси экспертларнинг минтақаларо комиссиясини тузамиз. Мисол учун олганда, Туркманистонда ва Тожикистонда биофизикага доир юқори малакали мутахассислар деярли йўқ. Бинобарин, улар ёрдам сўраб бизга мурожаат қилишади. Бошқа соҳаларда ҳам шундай. Хуллас, биз фақат Ўрта Осиёдаги республикалар, Қозоғистон ва Озарбайжон билан эмас, балки бутун жаҳон илмий ҳамжамияти билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқчимиз. Биз уларни эксперт сифатида жалб этамиз. Энг муҳими, олимларимиз ишига баҳо берганда субъективизмга йўл қўймасликдир. Бу соҳада худди спортдагидек иш тутмоқ керак. Жаҳондаги малака белгилашга кўра, лангар билан энг яхши сакровчилар ўнлигига олти метрли белгидан ошиб ўтадиганлар киради. Бу ўринда мисол учун беш ярим метрли белги ундан юқориси билан баравар, деб ҳеч ким исботлашга уринмайди. Биз ҳам талабни пасайтиришга мутлақо йўл қўймаслигимиз керак. Талабнинг пасайиши жиддий йўқотишларга олиб боради.

— Сиз икки йирик соҳада мутахассиссиз. Бошқа йўналишларда иш қандай бўлади?

— Биласизми нима, асосий фанда ўзаро боғлиқ жиҳатлар жуда кўп. Бинобарин асарнинг қадр-қимматига баҳо бера оламан. Чуқур, ҳар томонлама экспертизага келганда эса, бу ишни бажариш учун Олий аттестация комиссиясида мутахассислар ишлашади. Айтмоқчи, ҳозир Олий аттестация комиссиясининг Низоми ва қоидаларини тайёрлаш ишлари тугалланмоқда.

— Ҳар ҳолда сиз — Демократик ислоҳотлар ҳаракати Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзосисиз, ҳокиматга нисбатан муҳолифликда турган эдингиз, янги лавозимга тайинланишга қандай муносабатда бўлдингиз?

— Аввал шуни айтиб қўяй, амалий муҳолифликда эдим. Бундай муҳолифлик эса маълумки, идора этаётган ҳокиматга ёрдам беради, ҳокимият камроқ хато қилади, ўзига талабчанроқ бўлади, бундан ташқари Дастуримизнинг кўпгина бандлари ҳозироқ амалга ошди. Ўзбекистон мустақил бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ҳарбий хизматга доир масалалар ҳал этилди. Инсон ҳуқуқлари муаммосигина қолди, аммо уларни уч ой ичида ҳал этиб бўлмайди, ахир. Ҳамма масалани ҳал этиш учун вақт керак.

Янги лавозимга тайинланишимга келганда эса, мен буни илмий асарларим эътироф этилиши деб биламан. Айтмоқчи, илмий ходимларнинг улушига чинакам баҳо беришнинг ўзи ҳам инсон ҳуқуқларини тан олишдир, чинакам демократиядир.

— Бекжон Ойбекович, сизнинг таржимаи ҳолингиз кўп жиҳатдан, айтиш мумкинки, тарихга айланган «ривожланган социализм мамлакати»га хос эмас. Отангиз Ойбек — буюк ёзувчи. Унинг ўғли отасининг шуҳратидан хотиржам фойдаланиши мумкин эди. Лекин сиз ўз йўлингизни танлаб олдингиз...

— Энг муҳими, инсоннинг ўз виждонига мувофиқ яшашига ҳаракат қилишидир. Мен физиолог бўлишга аҳд қилган эканман, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Уйда менга ҳеч ким бировнинг фикрини ҳеч қачон тиқиштирмаган. Инсон ўз йўлини ўзи танлаб олиши керак. Бунда севимли иш билан шуғулланиш жуда муҳим. Мен шундай ишни танлаб олдим ва бахтлиман.

Айтмоқчи, қизларим ҳам касбни мустақил танлашган. Менимча, улар ҳам адашганлари йўқ.

● ...Шундай қилиб, Ислом Каримов командасида муҳолифлардан бир киши пайдо бўлди. Президент уни танлаб олгани тасодиф эмас. Академик Тошмуҳамедовни биладиган одамлар уни ҳақиқатан ҳам билимдон, принципал ва адолатли олим, деб таърифлайдилар. Илм-фанда таниш-билишликнинг ашаддий душмани бўлган Бекжон Ойбекович майда-чуйда ишларда ҳам ҳалол-покдир. Тошмуҳамедовнинг Олий аттестация комиссиясига бошлиқ қилиб тайинланиши Президент Каримовнинг ходимларни танлаш сиёсатидаги жуда муҳим жиҳатдир: Чунки у ҳаммани, ҳатто ўз рақибларини ҳам ҳамкорлик қилишга бекордан-бекорга даъват этгани йўқ. Ўзбекистон Республикасининг чинакам мустақиллиги учун шундай ҳамкорликка даъват этган.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

ХДП: партияга мактублар

ЎЗАРО ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Дастурини рўёбга чиқариш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқда. ХДП Марказий Кенгашига республикамиз турли вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида яшовчи одамлардан, партия аъзоларидан, уруш ва меҳнат фахрийларидан, нафақахўрлар, беморлар ва аёллардан келаётган хатларда бундан қониқиш ва фахрланиш ҳиссиётлари акс эттирилган. Шунингдек уларда партия фаолиятини янада кучайтириш юзасидан мулоҳаза, таклиф ва маслаҳатлар ҳам баён қилинган. Жумладан, шаҳрисабзлик Ихтиёр Рўзиев ва паркентлик Абдуҳалим Қосимов Халқ демократик партияси олдига қўйилган мақсадларга, ишларига астойдил хайриҳоҳ эканликларини билдирганлар, айни пайтда партиянинг иш услубларини яхшилаш, ўтказаётган таъсирини янада кучайтириш зарурлигини ҳам айтганлар.

ХДП Марказий Кенгаши номига уруш ва меҳнат фахрийларидан ҳам кўплаб хатлар келяпти. Отахон ва онахонларнинг илгари Ўзбекистон Компартияси сафида туриб, бор куч-қувватларини, ҳалол меҳнатларини Ватан хизматига бағишлаганликлари ҳақида тўлқинланиб ва фахрланиб ёзиш билан бирга энди мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги йўлида ишлаш учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига кирганликларини, бой тажрибаларини шу ишга бағишлашга тайёр эканликларини билдирганлар.

ХДП аъзоси Муҳаммаджон Юсупов Фарғона шаҳридан йўллаган мактубида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси фахрийси» деган унвон таъсис этиб, бу номни кўп йиллик партия стажига эга бўлган ва бутун борлиғини эл-юрт хизматига бахшида этган кишиларга бериш зарур деган таклифни қўяди.

Қари билганни пари билмайди, дейди халқимиз. Демак фахрийларнинг фикр-мулоҳазаларига, уларнинг дардлари ва эҳтиёжларига қулоқ тутиш ҳаммамизнинг ҳам бурчимиздир. Зеро кекса партиядош отахон ва онахонларга биз қандай муносабатда бўлсак, келажак авлод ҳам бизга худди шундай муносабатда бўлади.

Ҳозирги иқтисодий, қийинчиликлар азобини кўпроқ нафақахўрлар, беморлар, уйда ўтириб қолганлар тортишмоқда десак муболаға бўлмайди. Бунга уларнинг партиядан, жамиятдан мадад ва меҳрибонлик истаб, қалбларида тўпланиб қолган дард ва ҳасратлари баён этилган мактублари ҳам мисол бўла олади. Улар қимматчилик қийнаб қўяётганлиги, ҳозир айниқса тузукроқ уй-жой шароитларига, парҳез таомлари, сут ва сут маҳсулотларига муҳтож бўлаётганликларини яширмай, очиқ-ошкора ёзадилар. Масалан, Тошкент шаҳрида яшовчи Рихсихон опа Пўлатова ўз хатида шундай дейди: «Доимий қанд касаллигим бор, қўл-оёқ оғрийди, ошқозоним яра. Шу сабабли доимо парҳез қилишим керак. Энди эса бунинг иложи бўлмаяпти. Шу сабабли оғриқларим ўн чандон кучайиб кетди. Талонга магазиндан парҳез маҳсулотлар (сут, қаймоқ, творог, товуқ гўшти) топа олмаяпман, бозор нархига эса кучим етмайди...» деб ёрдам кўрсатишни илтимос қилган.

Шунингдек, Рихсихон опанинг ҳамшаҳри ногирон нафақахўр Мария Родимова ҳам худди мана шундай аҳволга тушиб қолганидан куюниб, кўмак сўраб мурожаат этган.

Начора, ҳозир ҳаммага ҳам осон эмас, иқтисодий аҳвол танг. Бироқ халқимиз мурувватли, меҳр-оқибатли. Биз Тошкент шаҳар Октябрь райони озиқ-овқат савдоси ходимларидан бемор ота ва оналарга алоҳида хизмат кўрсатишни илтимос қиламиз. Аминмизки, улар ногиронлар, беморлардан ўз ёрдамларини аямайдилар.

Ҳа, халқимиз ҳозирги қийинчилик пайтида ўз дардиҳасратларини, ички кечинмаларини, масалаҳат, фикр ва мулоҳазаларини ўзлари севган, меҳр қўйган Халқ демократик партияси билан баҳам кўраётган экан, бу уларнинг партияга нисбатан ишончи мустаҳкам эканлигини тасдиқлайди. Партиямиз ҳам ўз навбатида уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилади.

Д. АЛИЕВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими.

Тошкент темир йўл техникуми жамоаси ўқув юрти ташкил топганлигининг 60 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўряпти. Бу ерда темир йўл транспорти тармоғи учун турли касбдаги малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Суратларда: 1. Юқори курс ўқувчиларининг электр сигнализация лабораториясида машғулот пайти. 2. Ўқитувчи Галина Беленькая узоқ масофалар билан алоқа ўрнатиш усуллари ҳақида ўқувчиларга маслаҳатлар бермоқда.

Р. ШАМСУДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Журналистлар билан учрашув

Жиззах вилояти ҳокими Э. Турсунов билан учрашувда вилоят ва район рўзномаларининг муҳаррирлари, радиоэшиттириш қўмитаси раҳбарлари, жумҳурият оммавий ахборот воситаларининг вилоятдаги ходимлари, бошқа фаол ижодкорлар қатнашдилар. Э. Турсунов журналистларга ҳокимият томонидан олиб борилаётган тадбирлар, келгуси режалар ҳақида сўзлаб берди. Ҳокимият жамоасининг аъзолари, уларнинг ҳар бирига юклатилган вазифалар билан батафсил таништирди.

Шундан сўнг ҳоким журналистларнинг вилоят ва район рўзномалари фаолиятида юзага келган оғир иқтисодий танглик жараёнидан чиқиш, ижодкорларни моддий ва маънавий ҳимоя қилиш борасидаги мулоҳазаларни тинглади, саволларга жавоб қайтарди.

В. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Мингбулоқ:

БУЮРТМА ТАЙЁР

Мингбулоқ конида электр таъминотини йўлга қўйиш учун махсус шчитлар жуда ҳам зарур бўлиб қолди. Бундай ускуна илгари собиқ Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидан олинар эди. Энди эса уни қандай қилиб бўлмасин, тезда муҳайё этиш лозим. Вақт эҳ. Кон электрчилари бунинг учун Тошкентдаги Ўрта Осиё электр аппаратлари бирлашмасига мурожаат этишди. Корхона лойиҳачилари икки кун ичида туни билан ишлаб ана шу шчитларнинг чизмаларини ихтиро этишди.

Электр ускуналари маскани 6-цехи бошлиғи Амиржон Содиқов бу янгилик ҳақида шундай деди:

— Мингбулоқ буюртмаси биз учун шарафли иш. Бундай маҳсулотни тайёрлашга биринчи марта дуч келдик. Ноёб ускунани юзага келтириш муҳандисларимиз учун маҳорат ва билимни талаб қилар эди. Қисқа вақт ичида маҳсулотнинг асосий «суяк»лари 12-цехда тайёрланди. Бизнинг 6-цехда эса уни монтаж қилиш ишлари бажарилди. Бунинг учун Қодир Бойбоев, Людмила Валетова, Катерина Шокирова, Алла Ғаффорова, Дилором Дўстметова сингари ишчиларимиз уч сменалаб меҳнат қилишларига тўғри келди. Ниҳоят буюртма қисқа муддатда тайёр бўлди.

Бугун махсус электр шчитлари Мингбулоқ кончиларига топширилади.

А. ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ТАШВИШЛИ ХАБАР

АРИҚЛАРДА НЕЛАР ОҚЯПТИ?

Яқинда Қўқон шаҳри ўртасидан оқиб ўтадиган Қипчоқ ариғига кўзи тушган одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. Чунки ариқда лиммо-лим «сут» оқаётганди. Бироқ, оппоқ бу суюқлик текшириб кўрилгач, кишилардаги ҳайрат ваҳимага айланди. Сабаби бу ғаройиб суюқлик суперфосфат заводининг аммонийлаштириш цехидаги тиндириш ҳовузидан оқиб келаётган экан. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси инспекторлари ишлаб чиқариш оқавалари ариққа буриб юборилганлигини аниқлашди. Заводнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўлими инженери Р. Сафаргалиева эса тиндириш ҳовузидаги шикастланиш туфайли оқаваларни ариққа оқизиб юборилаётгани хусусида лом-мим демай, ўтираверган.

Бу, Қўқон шаҳари суғориш тармоқларига зарарли оқаваларни оқизиш бўйича ягона ҳодиса эмас. Шаҳар туғуруқхонасида чиқинди сувларни оқизиб юбориш тармоғи тиқилиб қолганди. Мутасаддилар узоқ ўйлаб ўтирмай, ифлос сувларни Қўқонсойга оқизиб қўяқолишди. Холбуки, Қўқонсой шаҳар марказидан ўтади. Юзлаб одамлар сой соҳилларида дам олишади. Сувдан турли мақсадларда фойдаланишади. Назоратнинг бўшлиги туфайли шаҳар ичидан ўтган ариқ ва сойларга зарарли оқавалар, ахлат-чиқиндилар ташлаш камаймаяпти. Хўжасизлик оқибатида ахлат ва чиқиндилар жойига айланиб қолган ариқ, коллекторлар юзага келмоқда. Қўқонсойни ёқаси бўйлаб чўзилган магистрал чиқинди сувлар коллектори на «Водоканал» ишлаб чиқариш участкаси, на бошқа ташкилот ҳисобида туради.

Шуниси ачинарлики, шаҳар ичидан оқиб ўтадиган суғориш тармоқларининг аксарияти ифлосланган. Улар Данғара райони қишлоқларига оқиб боради. Бу қишлоқлар аҳолиси шу сувлардан экин, мол-ҳол суғоришда, кир-чир ювишда фойдаланади. Район аҳолисининг анча йиллардан буён қилаётган ҳақли талабларига қарамай, бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмаяпти. Ариқ-сойларни турли саноат корхоналари, ташкилотлар, турар-жой биноларидан чиққан зарарли оқавалар, чиқиндилар билан булғаш давом этмоқда.

Ҳозирча суперфосфат заводидан 200 сўмлик жарима ундирилди. Аммо, бу билан аҳволни ўнглаб бўлармикан? Аслида, Қипчоқ ариғига Қўқон шаҳар мутасаддилари ҳам бир қараб қўйишса, ёмон бўлмасди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

21, 23 апрель соат 18.30 да

ЯНГИ СПЕКАТКЛЬ

Ўлмас УМАРБЕКОВ асари

ЕР ЁНГАНДА

Саҳналаштирувчи режиссёр — Марат АЗИМОВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

ССЖИ халқ артисти **Наби РАҲИМОВ**, Ўзбекистон **халқ артистлари Рихси ИБРОҲИМОВА, Турғун АЗИЗОВ, Тўлқин ТОЖИЕВ, Ғани АЪЗАМОВ, Икрома БОЛТАЕВА, Эркин МАЛИКБОЕВА, Турғун ХОНТЎРАЕВ,** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар **Тўти ЮСУПОВА, Гулчеҳра ЖАМИЛОВА, Ҳасанбой ЮНУСОВ, Малика ИБРОҲИМОВА Маҳмуд ИСМОИЛОВ**; артистлар **Шоҳида ИСМОИЛОВА, Луиза ҚОСИМОВА, Гулчеҳра ИБРОҲИМБЕКОВА, Жамшид ЗОКИРОВ ва бошқалар.**

Жамоа бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинади.

Мурожаат қилиш учун телефон: 44-17-51.

Ўзбекистон Республикаси Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив қўмитаси Тошкент вилоят Моддий-техника таъминоти бошқармасининг тижорат-ахборот маркази ва Тошкент шаҳар Моддий-техника таъминоти бошқармасининг ишлаб чиқариш-тижорат маркази

ҲАМКОРЛИКДА

1992 ЙИЛ 12—13 МАЙДА

Тошкент шаҳридаги ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА

корхоналар, ташкилотлар, маҳкамалар, кооперативлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, хусусий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва фермерлар учун:

— ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги маҳсулот, материаллар, хом ашёлар ва бошқа моллар савдоси;

— маҳсулотларни айирбошлаш ва маҳсулотлар билан таъминлаш юзасидан корхоналр ўртасида шартнома тузиш;

— фойдаланилмаётган маҳсулотлар, ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни хўжалик муомаласига жалб этиш бўйича

МИНТАҚАВИЙ УЛГУРЖИ-САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Ярмарка манзили: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 30-уй. Темирйўлчилар Маданият саройи.

Талабномалар қуйидаги манзилга юборилсин: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй. Тошкент вилоят Моддий-техника таъминоти бошқармасининг Тижорат-ахборот маркази.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-06-52, 54-65-32, 41-16-60.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР — ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА!

1992 йил 8 апрелда Қарши шаҳрида ўтказилган

99-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон Республикасининг барча жамғарма банкларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.

счёт номерлари	ютуқ миқдори (жамғарманинг ўртача суммасига нисбатан фоиз ҳисобида).
А—009	25
А—059	25
А—100	100
А—122	25
А—182	25
А—237	25
А—273	200
А—302	25
А—322	50
А—360	25
А—406	100
А—444	25
А—488	25
А—539	25
А—575	25
А—607	25
А—669	25
А—717	25
А—731	25
А—793	50
А—826	25
А—871	25
А—917	25
А—932	25
А—963	25

Счетлар сони мингдан ортиқ бўлган жамғарма банкларида барча 1000 рақамли сонлардаги ўша счет номерлари ҳам ютди. Масалан: А—009, А—1009, А—2009 ва ҳоказо, А—122, А—1122, А—2122, А—3122 ва ҳоказо.

ТИРАЖ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ — Қарши шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари У. Б. АШУРОВ.

Комиссиянинг масъул котиби — З. А. ТИНЧЕРОВ.

ТЕМИР-ТЕРСАКЛАР ВА ҚОРА ҲАМДА РАНГЛИ МЕТАЛЛ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТОПШИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«УЗКООПВТОРМЕТ» Республика кооператив бирлашмаси 1992 йил 1 апрелдан бошлаб темир-терсаклар ва қора ҳамда рангли металл чиқиндиларининг 1 тоннаси учун қуйидаги ўртача тайёрлов нархлари белгиланганлигини маълум қилади:

темир-терсаклар ва қора металл чиқиндилари — 1000 сўм,

темир-терсаклар ва рангли металл чиқиндилари:
мис — 25000 сўм,
жез — 22000 сўм,
бронза — 28000 сўм,
алюминий — 15000 сўм,
қўрғошин — 12000 сўм,
рух — 6000 сўм,
никель—44000 сўм.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 55-43-08, 54-58-57.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Муштум» журнали жамоаси журналнинг собиқ бўлим мудири, меҳнат фахрийси З. Шокировга умр йўлдоши

Сабиҳа Олим қизи ШОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети раҳбарияти ва «Сиёсатшунослик» кафедраси жамоаси доцент И. М. Ғофуржоновага сингласи

Нафиса АБДУЖАББОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

МАБЛАҒ КЕРАКМИ?

ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЙЎҚ!

«ЎЗБЕК САВДО УЙИ»

ЭКСПОРТ—ИМПОРТ ЛТД ФИРМАСИ СИЗЛАРНИ

1000 СУМЛИК 10.000 СУМЛИК АКЦИЯЛАР БИЛАН

50.000 СУМЛИК 100.000 СУМЛИК АКЦИЯЛАР БИЛАН

ТАЪМИНЛАЙДИ

АКЦИЯЛАР

СОҲИБИНИНГ НОМИ ҚЎРСАТИЛГАН, ИМТИЁЗЛИ НОМИНАЛ

1000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН.

Акция соҳибларига молиявий йил якунларига кўра 20 фоизли курс бўйича қўшимча даромад кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фақат фирмада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Акциялар харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиби акцияларнинг тўла қийматини ва 20 фоизли курс бўйича қўшимча қийматни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

СОҲИБИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛГАН, ОДДИЙ НОМИНАЛ

50000 сўмлик
100000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ акцияларнинг соҳиблари бўлишлари мумкин

Молиявий йил якунларига кўра акция эгаларига фойданинг бир қисмини акциядан келган даромад сифатида олиш ҳуқуқи кафолатланади.

100 000 сўмлик номинал қийматга эга битта акция битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

50 000 сўмлик номинал қийматга эса икки акциядан иборат пакет битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

Фақатгина «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фирмада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиби акцияларнинг тўла қийматини ҳамда акциядан келган даромадни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ҚЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН, БИРОҚ ЭГАСИНИНГ НОМИ ҚЎРСАТИЛМАГАН, ОДДИЙ НОМИНАЛ

10.000 сўмлик

ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН

молиявий йил якунларига кўра акция эгаларига акциядан тушган фойдадан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ва турли хил йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг рухсатисиз амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Харид қилинганидан сўнг бир йил ўтгач акцияларнинг соҳиби акция қийматти ҳамда ундан тушган фойдани олиш ҳуқуқига эга бўлади.

АКЦИЯЛАРГА ЁЗИЛИШ

Опцион шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

Акцияларнинг 1 эмиссиясининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг «Ўзбек савдо уйи» томонидан эълон қилинган муҳлатларда ўз вақтида қиймати қайтарилиб олинмаган бўлса акциялар ўз-ўзидан йилига 20 фоизли даромад тўланадиган имтиёзли облигациялар қаторига ўтади.

Акцияларнинг қийматини қайтаришда акциялар соҳибининг хоҳиши ва «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг таклифига кўра пуллар сўм ҳисобида ёки товар маҳсулотлари билан тўланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси, 700000. Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 35-37-90, 34-85-09, 34-64-79, 34-96-31. факс: 34-64-50
Телетайп: 116 384
Телекс: 116108 РТВ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ТИББИЁТДА ЯНГИЛИК

Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида

Америка-Австрия ва Совет қўшма тиббий бирлашмаси корхонаси «СВЕНАС» электропунктур орқали этиологик (сабаби) касалликни аниқлаш ва биологик актив суюқлик билан даволаш марказини ташкил қилди.

Бу усулга Америка-Австрия ва Совет олимлари асос солдилар. Марказ шу йўл билан одам организмидаги ички аъзоларининг функционал ҳолати биоэнергиясини ўлчайди ва ҳамма касалликларни, ҳатто киши ўзи билмаган касаллик ва бошқа ахборотларнинг этиологик сабабини 40—60 дақиқада аниқлаб беради.

Ускуна эса биологик актив суюқлик тайёрлаб беради. Суюқлик таркибида гомеопатик, аллопатив ва бошқа биологик моддалар, гиёҳлар бўлиб, бутун дунёга машҳур француз табиби Шаарет усулига асосланган.

Биологик суюқликни ўзингиз билан олиб кетиш учун 0,5—1 литрли ҳажмдаги термос олиб келинг.

ХАСТАЛАНДИМ ДЕБ АФСУСЛАНМАНГ, КЕЛИНГ ДАРДИНГИЗГА ДАВО БУЛАЙЛИК!

Бизнинг манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳри К. Маркс кўчаси, 35-уй. Пахта тозалаш заводининг даволаш бўлими.

Телефон: 2-38-86, 2-26-89.

---

refleks
HOLDING CORPORATION Ltd.

ФИРМАСИ «ПОЛЬША ВА ЎЗБЕКИСТОН «БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ЙЎЛИДА» СЕМИНАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА

22 АПРЕЛДАН 26 АПРЕЛГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг агросаноат комплекси павильонида

ҚЎРГАЗМА-ЯРМАРКА ЎТКАЗАДИ

ҚЎРГАЗМАДА:

— фермер хўжаликлари учун қишлоқ хўжалик техникаси;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш бўйича технологик асбоб-ускуналар;

— **халқ истеъмоли моллари, косметика, парфюмерия**, кийим-кечак ва бошқа моллар;

— дори-дармонлар қўйилади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 34-45-91, 34-44-60, 67-55-38.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Урганч пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти, жамоат ташкилотлари бирлашма Бош директори Ш. Каримовга онаси

Рисолат МАТҚОСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият Телекўрсатув маркази жамоаси, раҳбарияти марказ махсус ёрутув цехининг бошлиғи М. Жўраевга онаси

Беття Мотловна ЗЕЛЕЛЮГнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

20, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ҳамма гап шляпада». Мультфильм. 18.25 Тижорат канали: «Бунёдкор». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Санъат олами». Хитой санъати. 19.55 «Дирижер ҳикоя қилади». Ёш композитор ва бастакорларнинг VI-Пленуми олдидан. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Оила». 22.00 Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 22.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Назбаҳор» (Наманган). 2-тайм. (Ёзиб олинган). 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум» (такрор). 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Миришкорлар».

21.05 «Ҳамма нарсани бир лаҳза ҳал қилади». Бадиий фильм. 22.40 «Меҳнату мурувватга чорлар Наврўз айёми». 23.10 «Лаҳза». Хабарлар.

ОРБИТА-IV, I-КАНАЛ ОСТАНКИНО

Телетомошабинлар диққатига!

Профилактика муносабати билан Душанба 20 апрель куни «ОРБИТА-4» кўрсатувлари Соат 16.55 дан, «ДУБЛЬ-4» кўрсатувлар Соат 15.00 дан олиб кўрсатилади.

16.55 Янгиликлар. 17.15 «Парнас сари бир босқич». III-халқаро телевизион фестивали. 1-тур. Давлат Марказий концерт залидан кўрсатув. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Халқ куйлари. 20.40 «Янги студия таништиради: «Қаранг, ким келди», «Нотўғри талқин». «Джем Сейшн». Авторлик телевидениеси: «Бироқ», «АТВ-брокер», «Акс-садо» (Танаффус пайтида — 23.00. Янгиликлар). 00.15 «Барча нарсалар қалбимда муайян». Фильм-концерт (В. П. Соловьев Седой туғилган куннинг 85 йиллигига).

21, сешанба

ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Иссиқкўл билан мулоқот», «Мармар жилоси». Телефильмлар. 8.55 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм. 10.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 11.00 Ўзбекистон ёш ижодкорларнинг анжумани олдидан.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Чакка ўтмаяпти». Мультфильм. 18.15 Тижорат канали: «Талабалик йилларим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Спортлото. 19.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сумалак ея». 19.40 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари». 20.00 Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Шалола» фольклор-этнографик ансамблининг концерти. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Бир асар тарихи. «Қаро кўзим» ғазали ҳақида. 21.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». 22.40 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». Болалар учун кўрсатув. 19.00 «Иқтисод, нарх-наво ва канон». 19.15 «Кадрда ва кадр ортидан». 20.15 Гитара оҳанглари. 20.45 «Хотиралар ва мушоҳадалар». Малик Қаюмов. 21.20 Реклама. Кинонигоҳ.

ОРБИТА-IV, I-КАНАЛ ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 «Сеҳргар шогирд». «Сеня лақабли ақлли кучук». Мультфильмлар. 8.05 «Елена ва штурман». Телевизион спектакль. 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Иш». Телевизион бадиий фильм премьераси.

11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 11.25 «Чашмалар». 12.00 Ритмик гимнастика. 12.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 13.10 Эчки ҳақида». Мультфильм. 13.25 «Гильдия». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгиликлар. (Сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Спорт ва бошқа нарсалар ҳақида». Ҳайкалтарош Ю. Чернов 14.50 «Омадли одам». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»). 15.55 «Леопольд ва олтин балиқча», «Мушук Леопольднинг қасоси». Мультфильмлар. 16.20 Болалар мусиқий клуби.

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 А. Вивальди. Скрипка ва оркестри ижроси учун концерт. 17.40 «Сиёсат» студияси кўрсатади. 18.20 «Иш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Мавзу». 21.05 «Футбол шарҳи». 21.35 «Белда» рўзномасининг туғилган куни. 22.35 «Рақслар, рақслар, рақслар». 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Овация-91» мукофоти эгалари шарафига. Гала-концерт.

22, чоршанба

ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Асрлар оҳанги». Фильм-концерт. 8.55 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм. 10.15 Биологиядан IX-жумҳурият ўқувчилар олимпиадаси. 10.45 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватандошлар». 18.45 Тижорат канали: «Тадбиркорлар ҳузурида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тилга эътибор». 19.50 Рустам Ғоипов концерти. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Иқтисод ва истиқлол». 21.30 «Йиллар, фильмлар, муаммолар». Кинорежиссер Малик Қаюмов. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиб.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

20 – 26 апрель

ЎзТВ II

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ

10.30 Табиатшунослик. Усимлик ва ҳайвонот олами. 11.00 «Ҳаёт ташвишлари». Телефильм. 11.30 «Цирк артисти ҳақида». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Ўзбекистон мусаввирлари». Халқ мусаввири Р. Аҳмедов таваллудининг 70 йиллигига бағишланади. 20.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин». 21.00 «Барханлар». Бадиий фильм.

ОРБИТА-IV, I-КАНАЛ ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 «Малика қиз ва дарё». Мультфильм. 9.00 Болалар мусиқий клуби. 9.40 Останкино концерт студиясида ёзувчи Леонид Бородин билан учрашув. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатуви. 11.50 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 12.05 «Нега энди филлар?». Мультфильм. 12.20 «ПИ» белгиси билан». 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Омадли одам». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.25 «Қизча циркда». Мультфильм. 15.45 «Гоҳида билсангиз эди». 16.00 «Роя Макс». Джери Ли Льюис концерти.

17.00 Янгиликлар. 17.20 «Киноҳақиқат». «Ленин Октябрда». Бадиий фильм («Мосфильм»). 19.45 «Хайрли тун, кинчкинтойлар». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Чорраҳа». Н. Михалковнинг авторлик программаси. 21.45 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатуви. 22.15 «Кечки альбом». 20.45 «Овчарка». Телефильм. (Ашхобод). 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Лимпопо». 00.05 Мусиқий башорат. 00.35 Бильярд. Европа чемпионати.

23, пайшанба

ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Бизлар билан ёнма-ён яшаётганлар». Телефильм. 8.45 «Орзулар оғушида». Бадиий фильм. 9.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим —жон қўшиғим». 10.40 «Фермер хўжаликларида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Менинг филим бўлақол». Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Дала юмушлари». 19.50 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Кўзгу». Оммавий-публицистик кўрсатув. 21.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қари билганни— пари билмас». 22.30 «Мулоҳаза». Пиримқул Қодиров асари асосида яратилган «Бобур» видеофильми ҳақида. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бизнинг Чукоккала». Болалар учун фильм. 19.30 «Қизиқарли учрашувлар соати». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Реклама. Кинонигоҳ.

ОРБИТА-IV, ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 «Ксюша ва Компюша... ҳақида». Мультфильм. 7.55 Болалар учун фильм. «Жасур Широқ» («Тожикфильм»). 9.05 «Чорраҳа». Н. Михалковнинг авторлик программаси. 10.25 «Кубанча тўй». 11.00 Янгиликлар. 11.20 Кўрсатувлар тартиби.

13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикс». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.55 «Ғолиблар». 15.40 «Ғилофсиз шамшир». Телевизион бадиий фильм (Одесса киностудияси).

17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.05 «Леппебергдик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. «Эмиль ярмаркада» (Швеция). 18.50 Ашхобод шаҳар ўрта махсус мусиқа мактаби скрипкачилар ансамблининг чиқиши. 19.25 Г. Чухрай фильмлари ҳақида кўрсатув презентацияси. 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Фондаги портрет». А. Руцкой. 21.15 «Мусаввир». Телефильм. Ҳозирги замон ўзбек лак-бўёқ санъати ҳақида (Тошкент). 21.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Икки ўқ». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 23.00 Янгиликлар. 23.25 «Мусиқалар кўпроқ янграсин». 00.15 Футбол. УЭМБЛИ йўлида.

24, жума

ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Ҳамид Сулаймон». Телефильм. 8.55 «Айбсизлик презупцияси». Бадиий фильм. 10.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Рингда». Мультфильм. 18.20 «Сафарга отланганда». Чет эл саёҳати муаммолари. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 19.50 «Юртим жамоли». Манзарали фильм. 20.00 «Чорвадор». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Мумтоз куйлардан концерт. 21.45 «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА-IV, ОСТАНКИНО

5.00 «Тонг». 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 Мультфильмлар. 8.00 Ҳужжатли фильмлар. 8.35 «...Ун олти ёшгача ва ундан катталар». 9.15 Л. Лешченконинг юбилей концерти. 11.00 Янгиликлар. (Сурдо таржимаси билан). 11.20 «Саёҳатчилар клуби». 12.10 «Спорт ҳамма учун». 12.40 «Ибодатхонадан бошлаймиз?» Телефильм премьераси. 13.10 Мультфильм. 13.45 «Ён дафтар». 13.20 «Бридж». 13.45 «Бизнес-класс». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Ана шундай воқеа». Телевизион бадиий фильм. 16.00 Мультфильм. 16.30 «Созандалар соз ҳақида».

17.00 Янгиликлар. 17.20 «Инсон ва қонун». 18.00 «Парнас сари бир босқич». III-Халқаро телевизион фестивали. 2-тур.

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «ВИД» таништиради. «Мўъжизалар майдони», «Ток-шоу», «Музобоз», «Ҳа», «Шоу-биржа», «Хит-конвейер» (танаффус пайтида — 23.00 янгиликлар). 00.10 «Тонг юлдузи» кечки эфирда.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

11.25 «Мусиқа билан учрашув». 12.15 «Нафосат». 13.05 «Чашмалар». 13.55 «Сизни қутлаймиз». 14.25 «Безнен мирас» (татар тилида). 15.25 Кундузги сеанс. «Карик ва Валянинг ғаройиб саргузаштлари», 1-серия. 16.30 Парламент хабарномаси. 16.45 «Экс» кўрсатуви. 16.55 Реклама. 17.00 Хабарлар. 17.20 Реклама. 17.25 С. Л. Казарновская билан учрашувлар. 18.10 Россия Федерацияси сессиясида. 18.40 Ҳар бир кун байрам. 18.50 «Севги изҳори». Бадиий фильм. 1—2 серия. 21.00 Хабарлар. Астрология башорати. 21.20 Реклама. 21.25 Маски—Шоу. 21.55 «К—2» таништиради.

25, шанба

ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Сеҳрли саргузашт». Бадиий фильм. 10.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.10.40 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Рангинкамон». 11.55 «Таълим ва маданий мерос». 11.55 «Шуҳрат Йўлдошев ижро этади». «Ўзбектелефильм» премьераси. 12.30 «Қадрият». 13.00 Ёш созандалар Жумҳурият танлови ғолибларининг концерти. 13.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 14.35 Тижорат канали: «Чўлдаги маърифат гулшани». 15.20 «Насриддин Афанди томошахонаси».

18.00 «Бувимнинг сабоқлари». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Инглиз тили. 19.50 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг янги программаси. 21.45 «Қўш қопқон». Бадиий фильм. 1—2 серия. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА—IV I-КАНАЛ ОСТАНКИНО

6.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.40 «Тонг». 8.55 «Труба радиоси». 9.25 «Марказ». 10.05 «Медицина сен учун». 10.45 «НЛО» эълон қилинмаган ташриф». 11.30 Режиссёр Г. Чухрай фильмлари. «Қирқ биринчи йил», 13.00 Янгиликлар. 13.20 Муҳофаза варақаси. «Матерага мактуб». 13.50 «Камалак». Халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX-халқаро фестивали. «Қувайт қўшиқлари ва рақслари». 14.20 «Қизил империя». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. «Синфий кураш». 15.15 «Ҳайвонот оламида». 16.15 «Қизил квадрат». 16.55 «Қулфат». Мультфильм. 17.10 «Боқий муҳаббат йўлида». Ҳужжатли фильм (АҚШ). 18.40 «Мафтункор дарбадар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («Мосфильм»). 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Мафтункор дарбадар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Рус диний куйлари». 21.50 «Маҳбубалар». Фильм-концерт. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Бесўнақай иш». Телефильм. 00.05 Футбол. Россия чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Ростеельмаш» (Ростов Дон). II-тайм.

26, якшанба

ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Жодугарлик ва сеҳргарлик». Бадиий фильм. 9.45 «Биргаликда куйлаймиз». 10.15 Мактаб ўқувчилари учун». «Ўйла, изла, топ!» 11.15 «Омад». Мусиқий-тижорат кўрсатуви. 13.05 «Чорраҳа». 13.40 Араб тили. 14.10 «Санъаткорлар сулоласи». Адабий кўрсатув. 16.10 Футбол майдонларида. 16.55 Болалар учун. «Қўғирчоқлар рақсга тушганда». 17.25 «Эл хизматида».

18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ёшлик» оқшоми. 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Туркия — Ўзбекистон». Инсонпарварлик ёрдами. Видеофильм. 21.50 «Мусиқа жавони». 22.50 «Тирик қолишга ҳаракат қил». Бадиий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ОРБИТА—IV I-КАНАЛ ОСТАНКИНО

6.00 «Руҳни чиниқтириш». 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.45 Ўзўзингга мадад бер. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.10 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». Ҳажвий кўрсатув. 9.40 «Янги номлар». 10.30 «Чернобиль ўт ўчирувчиларининг жасорати ва қаҳрамонлиги». Ҳужжатли фильм. 10.50 «Бевақтинча ҳақиқат». Бадиий публицистик фильм премьераси. 11.55 Ж.—Л. Годар ижоди ҳақида. 12.35 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика).

14.00 Янгиликлар. 14.20 «Марафон-15». 15.10 «Қизча плюс аждаҳо». Мультфильм. 15.20 «Панорама». 16.00 «ТВ—Нева: «Ким биз билан». 9-кўрсатув. 16.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 17.00 «Уолт Дисней таништиради...» 17.50 «Телелоция». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.15 Кўрсатувлар тартиби. 18.20 Саёҳатчилар клуби. 19.10 «Парнас сари бир босқич». III-халқаро телевизион фестивали. Давлат Марказий концерт залида гала-концерт. 21.00 Якунлар. 21.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Матфей инжили». (Италия). 24.00 И. С. Козловский иштирокида фильм-концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

14.05 Туркия куйлари. 15.05 «Қудратимиз дўстликда». 15.45 Азиз Несин теленовеллалари. 16.25 «Афсунгарлар». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 8-фильм. 16.55 Реклама. 17.00 Хабарлар. 17.20 Реклама. 17.25 «Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм. 18.35 «Парламент хабарномаси». 18.50 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. 19.50 «Ҳар бир кун байрам». 20.00 «Пеликан» акцияси—Сатира театри ҳузурида меҳмонда». 21.00 Хабарлар. 21.20 «Опера саҳнаси юлдузлари». Зураб Соткилава таклиф этади. 23.00 РОК —қаҳвахона. Мусиқа ва кино янгиликлари. Италия — Россия маҳсулоти.

ТУРУНГ

1.

НАВОИЙ ВА ТУРК ЭЛЧИЛАРИ

• МЕРОС

Ўзбек ва турк алоқалари мозийга бориб тақалади. Филология фанлари номзоди Ю. Турсуновнинг кўрсатишича, Алишер Навоий «Муншаот» асаридаги қирқ олтинчи мактубни Султон Ҳусайнга йўллар экан, аввало, ўз соғлиғи тўғрисида сўзлаб, сўнгра унинг олдига турклар диёридан элчилар келганлиги ҳақида хабар беради.

Демак, бугунги кунларда Анқарада ўзбек ва Тошкентда турк элчихоналари очилган экан, бу қутлуғ ишларнинг бошида бобомиз Мир Алишер турганлигини фахр билан тилга оламиз. Шоирнинг турк элчиларини қабул қилиши, унинг «Наводир уш-шабоб» асаридаги ўн иккинчи қитъасида ҳам акс этган:

Туҳфаларким юборди Қайсари рум,
Бўлса жинсий фаран дебоси.
Турфа кўргилги зумрон ислом,
Анга солди фаранг яғмоси.

(Мазмуни: турк подшоси туҳфалар юборди, у юборган Оврупонинг ипак матоларини мусулмонлар талашиб-тортишиб олдилар).

Айтиш керакки, Навоий турк элчиларини қабул қилар экан, улар билан самимий, таржимонсиз суҳбатлашган. Зеро, XV асрда турк ва ўзбек тиллари бир-бирларидан бугунгидек узоқлашиб кетмаган эди. Ушбу мактуб Султон Ҳусайнга Хўжа Ҳофиз Ғиёсиддин Муҳаммад Деҳдор орқали юборилган. У шоҳга элчилар ҳақида оғзаки маълумот ҳам берганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

Демак, XV аср ўзбек-турк алоқалари тамал тошини қўйишда Алишер Навоий турган. Ҳар бир қутлуғ ишни бошида улуғ ва пок зотлар турган экан, иншооллоҳ ишларимиз юришиб кетади, халқимиз турк қардошлар ёрдамида, қўмагида иқтисодий жиҳатдан бақувват, маданий жиҳатдан ривожланган давлатга айланади.

Э. УМАРОВ.

2.

Истиқлол шабадаси туфайли миллий қадриятларимиз баркамол тикланиб, ўтмиш тарихимизга тиниқ кўз билан қараладиган орзули кунлар ниҳоят етиб келди. Шу туфайли халқимизнинг зукко ва доно сиймоларини эъзозлаш, хотирлаш удумн ҳар биримизга эндиликда ҳар қачонгидан ҳам бағоят ёқимлидир.

Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг табаррук номлари билан аталмиш миллий кутубхонамизда ҳам шундай удумларга ихлос билан қараш бутунлай жонланиб кетди. Ушбу саъйи-ҳаракат йўлидан бориб элимизнинг таниқли арбобларидан бири Шароф Рашидов хотирасига бағишланган махсус кўргазманинг очилиши бунга ёрқин далилдир.

Кутубхона директори Рустам Алимов билан шулар хусусида суҳбатлашдик.

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

Шарофнома

— Кўргазмани ташкил этиш ғояси қандай юзага келди?

— Кутубхонамиз хазинаси ниҳоятда бой. Айниқса, рўзнома ва ойномалар тахламлари ҳам кўз қорачиғидай авайлаб асраляпти. Буларнинг ҳар бир саҳифасида халқимиз тарихи, жасорати ва меҳнатининг шонли нафаси зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Шу ўринда айтиш керакки, «Ўзбекистон овози» рўзномаси хайрли ишларни амалга ошириб, муштарийларни қувонтиряпти. «Мерос», «Қадриятларимиз» рукни билан берилаётган сермазмун мақолалар катта қизиқиш билан ўқиляпти. «Шарофнома» рукнининг юзага келиши айниқса, қувонарлидир. Кутубхона жамоаси шу туркумдаги мақола ва рисолаларни мароқ билан ўқишяпти. Элимиз фарзанди Шароф Рашидов хотирасига бағишлаб махсус кўргазма очишга қарор қилдик. Ҳозир уни келиб кўрувчилар сафи ниҳоятда ортиб бораётир.

— Кўргазмада Ш. Рашидовнинг серқирра фаолияти қандай акс эттирилган?

— Кутубхонамиз маҳзанида Шароф Рашидовнинг китоблари, шеърий тўпламлари, очерклари, вақтли матбуотда эълон қилинган илмий мақолалари анчагина сақланган. Бугунги кунда Ш. Рашидовнинг ўзбек ва рус тилларида яратилган роман ва қиссалари, 300 га яқин китоби, 100 га яқин рисоласи, 72 тўплам ҳамда рўзнома, ойномаларда чоп этилган турли мавзулардаги мақолалари етиб келди. Мамнуният билан яна бир рақамни тилга олиб ўтмоқчиман: адибнинг асарлари мамлакатимиз халқлари тилларида 60 марта, ҳорижий тилларда эса 15 марта нашр этилган. Уларнинг аксарияти кўргазмадан ўрин олган.

— Кўргазмада алоҳида бўлимлар мавжудлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Адибнинг асарлари тарихи ҳақида ҳикоя қилсангиз.

— Марҳамат. Кўргазмада ўзига хос 18 бўлим бор. Бу ерда 1951 йилда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган «Ғолиблар» асарини, 1958 йилда нашрдан чиққан «Бўрондан кучли» романини кўздан кечириш мумкин. «Кашмир қўшиғи» адиб номини жаҳонга машҳур этди. Кўргазмада бу асарнинг биринчи нашри ҳам қўйилган. Ҳорижий тилларда чоп этилган асарлар ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиийдир. Бир сўз билан айтсак, Шароф Рашидовнинг кўргазмага қўйилган асарларининг барчаси томчида қуёш акс этганидек, кўз ўнгингизда яққол гавдаланади.

...Дарҳақиқат, кўргазмани чиндан ҳам ҳаяжон ила кўздан кечирасиз. Бизда қаламкаш сифатида Шароф Рашидовнинг «Журналист» ва «Мухбир» (ҳозирги «Ўзбекистон матбуоти») ойномаларида чоп этилган мақолалари катта таассурот қолдирди. Сатрлари ниҳоятда сермазмун, залворлидир.

Шароф Рашидов бутун умрини халқимиз билан бирга ҳамнафаслиқда ўтказди. Унинг қувончларини биргаликда баҳам кўрди. Дардини бирга чекди. Шунинг учун ҳам унинг сиймоси, ёрқин ҳаёти қалбимизда абадул-абад муҳрланиб қолади.

Ҳ. СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кўргазма залида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

3.

ЛАЙЛАККА ХОС РАШК

Табиат мўъжизалари

Бўз ноҳиясида биринчи қурилган уй чўлқуварларнинг қароргоҳи бўлган, «Оқ уй» номи билан машҳур бўлган ўша маскан ҳозир ҳам савлат тўкиб турибди. Бўзликлар уни авайлаб-асраб, музей қилиб қўйишган. Шу музей олдида чўлга биринчи сув чиқарган минора ҳам сақланиб қолган. Баланд минора тепасидаги уяда иккита лайлак яшарди. Улар ҳар куза қаёққадир ғойиб бўлишар, баҳорда эса яна қайтиб келишарди. Бўзга борганимда ўша аҳил лайлакларга ҳавасим келиб беихтиёр «Лайлак келди, ёз бўлди», деб халқ қўшиғини ҳиргойи қилардим.

Ўтган баҳорда лайлакларнинг бири соати келиб лайлак жўжа очибди. Эркак лайлак дарғазаб бўлиб, она лайлакнинг икки кўзини чўқиб ўйиб олибди ва уни минорадан тепиб туширибди. Кўр бўлиб қолган она лайлак ҳаёт билан видолашибди...

Лайлакда ҳам рашк бор. У ҳам покликни хоҳлайди.

Куни кеча чўлдан ўтаётиб, тағин минорага қарадим. Лайлак уяси бўмбўш, ҳувуллаб ётибди. Рашкчи лайлак ўз жойини ўзгартирибди. У қўшни маҳалладаги баланд симёғоч устига уй қурибди. Лекин у ҳамон ёлғиз эди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

4.

Бунда Темур жигари,
Қавму хеши бор.
Киндик қони тўкилган
Азиз Кеши бор!

Шаҳрисабз шаҳар Кенгашининг биноси олдида раисни кутиб тургандим. Қўлида сумка тутган ўн бир-ўн икки ёшлардаги мактаб ўқувчиси олдимга келиб, салом бердида, «Ҳотамовнинг идораси шуми, амаки?» деб сўраб қолди.

— Ҳа, шу. Ишинг бормиди? — Ҳайрон бўлдим.

— У киши Амир Темур бувамизнинг жамғармасига раис экан-ку. Мен ҳам пул ўтказмоқчийдим.

— Баракалла, отангга раҳмат, укажон! — дедим беихтиёр.

— Сиз ҳам у кишини кутяпсизми?

— Шундай.

— Келармикинлар ишқилиб? Ҳали мактабга ҳам бораман.

— Келиши керак. Озгина кутамиз-да. Агар кечикса, ўйлаб кўрамиз. Отинг нима?

— Жаҳонгир.

— Ўзи, чинакамига Темур бувангнинг жамғармасига да. Биласан-а, буюк соҳибқироннинг Жаҳонгир деган невараси бўлган.

— Отамдан эшитганман, у киши ҳавас қилиб менга шундай исм қўйган эканлар.

— Пулни отанг бердими?

— Ҳей-е. Учинчи чоракни ҳам аъло баҳолар билан тугатганим учун бадиий китоблар олиб ўқийсан деб бергандилар. Кеча китоб магазинига кирувдим, Абдулла Ориповнинг «Бобо ва набира» деган янги китоби босилиб чиққан экан, олдим. Қолган йигирма беш сўмни Темур бувамнинг жамғармасига ўтказаман. Отам ҳам, онам ҳам майли дейишди.

— Амир Темур тўғрисида нималар биласан?

— У киши бизнинг юртда туғилган, Оқсаройни қурдирган, мамлакатимизни босқинчилардан озод қилган...

Раис келавермади. Жаҳонгир дарсга кечикиб қолмаслиги учун унга жамғармага пул ўтказишнинг осон йўлини — ҳисоб номерини айтдим. У мактабимизнинг шундоқ ёнида касса бор, дарсдан сўнг албатта кираман, раҳмат, деб хурсанд бўлиб югуриб кетди. Унинг орқасидан қараб қоларканман, беихтиёр бояги олқишни такрорладим: отангга раҳмат, Жаҳонгир!

Кўп ўтмай, шаҳар Кенгашининг раиси Фазлиддин Ҳотамов етиб келди. Мен унга ўқувчи Жаҳонгирнинг ҳимматини айтдим. Раис хурсанд бўлиб кетди. Салгина кечикибман-да, расмини олдирардик, деб армон қилди. Лоф эмас, ҳали анча ёш бўлса-да, ўзини халқ ташвишларига, савоб ишларга бахш этган тиниб-тинчи мас раҳбарнинг кўзларида севинч ёшларини кўрдим...

— Жамғармага бугунгача қанча пул тушди? — деб сўрадим ундан.

— Ёмонмас, икки юз мингдан ошиб қолди.

— Кам-ку, Ҳисоб очилганига анча бўлмадими?

— Иккинчи йил кетяпти.

— Жамғарма ҳақида туман, вилоят, жумҳурият рўзномаларида, радио ва телевиденеда ўз вақтида ахборотлар берилган. Одамлар ўқиган, эшитган, билади. Наҳотки?

Шу пайт эшик очилиб, Кенгаш бўлим бошлиғи Бахтиёр Ашуров «кечирасизлар» деди ва давом этди:

— Фазлиддин Маҳмудович, сизни Қаршидан сўраяпти.

Раис узр деб қўшни хонага чиқиб кетди.

Шаҳрисабз. Амир Темур. Жамғарма... Фазлиддин Ҳотамов шаҳар Кенгашига раис бўлиб сайлангач, эл ўртасидаги биринчи чиқишини шаҳримиз буюк бобомизга муносиб бўлиши, у қурган, қолдирган ёдгорликларни асраб-авайлашимиз, қайта таъмирлашимиз, Амир Темурга тезроқ ёдгорлик ўрнатишимиз, унинг муборак 660 йиллик тўйига ҳозирдан тайёргарлик кўришимиз керак, деган сўзлар билан бошлаган эди. Эзгу ишга киришар экан, имкониятларни ўйлаб, ҳисоблаб, чамалаб кўрди. Давлат берадиган озгина маблағ билан бундай кенг кўламли режани бажариб бўлмасди. Нима қилиш керак? Раис узоқ мулоҳаза қилди. Охири шаҳар фаоллари, туман ҳокими билан маслаҳатлашиб, Амир Темур жамғармасини очишга қарор қилди. Ўзи, жамоадошлари биринчилардан бўлиб унга пул ўтказди.

Шаҳардаги бир қатор корхоналар, масалан, консерва заводи, гўшт комбинати, Шохўжа Муртазо ўғли номидаги ишлаб чиқариш ва савдо бирлашмалари ҳам уларнинг хайрли ташаббусларини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шаҳрисабз туман ва шаҳар Кенгашлари фаоллари ўз ҳисобларидан пул ўтказиш билан бирга жамғармани тарғиб қилишга, одамларни бу ишга жалб этишга интилишиб, Фазлиддин Ҳотамовга ёрдам бермоқдалар. Лекин, қимматчилик, «нарх ошди» даври барибир ўз таъсирини кўрсатяпти. Жамғармага онда-сонда оз-оздан маблағ тушмоқда. Бировга пул ўтказинг, деб бўлмайди, бу одобданмас, ҳиммат орзу қилинади, холос.

Мен баъзан ўйланиб қоламан: халқимиз ҳақиқатан ҳам саховатпеша, ҳиммат халқ. Масалан, жумҳуриятимизда ажойиб телемарафон уюштирилиб келиняпти. Одамлар, жамоалар унга ўн, ҳатто юз минглаб пул ўтказяпти. Ҳар йилги йиғилган умумий маблағ бир неча миллион сўмни ташкил этяпти. Шундай бўлиши керак ва шундай бўлмоқда. Савобли иш ташкилотчилари — телемарафончиларга ва уларни қўллаб-қувватловчиларга раҳмат! Хўш, ана ўша саховат соҳиблари буюк ва суюкли, миллатимизнинг, она-Ватанимизнинг фахри бўлган Амир Темур бобоси жамғармасига ҳам шундай мурувват кўрсатсалар бўлмайдими?! Ёки хайрли мақсадга сарфланадиган телемарафон жамғармасидан Амир Темур жамғармасига ҳам озгина ажратилса, камайиб қолмайди. Қолаверса, иккала жамғарманинг мақсад-моҳияти ҳам бир-ку?

Буюк соҳибқирон хотирасига ўрнатиладиган ёдгорлик пойига тош қўйиш олдидан озгина баҳс бўлди. Меҳмонлар — таниқли темуршунос олимлар, тарихчилар, ёзувчилар ёдгорликни Амир Темурнинг ўзи қурдирган улкан Оқсарой бағрида ўрнатишни таклиф қилишди. Шаҳарнинг «Қизил майдони»га туташ ерда эса, аллақачон ёдгорликка атаб жой ҳозирланаётган эди. Ҳотамов энди ана шу ишга сарфланган маблағнинг ўрнини қаердан қоплаймиз, деб қуюниб, афсусланиб гапирганида, вилоят ҳокимиятининг икки вакили «қўяверинг, энг муҳими, ёдгорлик ўрнига тушяпти, пул топилади», дейишди ҳолос. Биродарлар, Қашқадарё дейилгандэ хорижда, қўшни республикаларда биринчи навбатда, вилоят маркази эмас, кўпроқ Шаҳрисабз тушунилади, буни яхши биласиз. Шундай экан, «пул топилади» эмас, топиш керак. Ҳеч бўлмаганда, вилоятда ўнлаб туман ва шаҳарлар, юзлаб, минглаб жамоалар, ташкилоту хўжаликлар борлигига шукур қилиб, «топамиз» деб дадил ваъда бериш керак. Ғоятда хайрли ишга қўл урган шаҳрисабзлик юртдошларингиз ишонч билан яшашсин.

Темур таваллуд топган кунни, унинг 656 йиллигини байрам қилишда иштирок этгани келган тошкентлик меҳмонларнинг ҳимматини чапак чалиб, ҳурсанд бўлиб олқишладингиз. Энди уларнинг қалб сўзларини ҳам эшитиб кўринг.

— Шаҳрисабзликлар улуғ юртдошларининг ҳурмат-эътиборини жойига қўйиш учун ажойиб ишга қўл урганликларидан бошимиз осмонга етди, — дейди Тошкент Шарқшунослик институтининг доценти Муборак Тошқўзиева. — Амир Темур жамғармаси бошқа жамғармалардан тубдан фарқ қилади... Темур руҳини қанчалик шод этсак, худо бизни шунчалик сийлайди!

Тарихнавис адиб Евгений Березиков Шаҳрисабзнинг қадрдони. У узоқда яшаётганидан армон қилади:

— Мен шундай кун келишини билардим. Тўғри, шаҳарга аэропорт ҳам керак эди, ундаги бозорни тузатиш лозим эди. Лекин барибир кўнглимда тугиб қўйганим — Темурбек қурдирган обидаларни қайта таъмирлаш ишларига бош қўшолмай, улуғ соҳибқиронга ўрнатиладиган ёдгорликнинг тошларини қўёлмай, собиқ партиянинг даъвати, топшириғи билан Самарқандга ишга ўтиб кетганман. Амир Темурнинг муқаддас маскани — ер юзининг сайқалида ҳам Бобога хизмат қилишга улгуролмадим. Яна партия ўзининг «қутлуғ даъвати»ни менга раво кўрди...

Худога шукур, Фазлиддинжондай укаларимиз, замондошларимиз бор экан, улгуролмай кетган ишларга ҳисса қўшишга муяссар бўлиб турибмиз. Тошкентда яшасам-да, бир оёғим — Шаҳрисабзда. Соҳибқиронинг яқинлашаётган муборак юбилейи муносабати билан нима зарур бўлса ҳисса қўшаман. Бобомизнинг ёдгорлигини иложи борича тезроқ ўрнатишимиз керак. Асосан жамғарма ҳисобига қад ростлаши кутилаётган ёдгорликни бир зум ҳам ҳаёлдан чиқармаслигимиз керак. Дўстлар, келинглар, Амир Темур ўйи билан яшаб кўрайлик! Ахир, у бизга ҳамон шаён улашиб турибди-ку. Ўзлигимизга, қудратимизга ишонч бағишлаётган ҳам ул Ҳазрат зоти олий-ку!

Евгений Ефимовичнинг қалб нидосини эшитгач, шаҳрисабзлик рассом Марс Жабборовнинг «Амир Темур» портретини томоша қилдим. Асар баъзи профессионал, унвонли ижодкорлар яратган асарларга нисбатан анча жонли, ҳаётий эди. Соҳибқирон сиймосидан ўзига хос нур ёғилиб турибди. Кийиншлари, юз-кўзлари, боқишлари, қошлари — ҳаммаҳаммаси буюкларга хос, яъни соҳибқиронлик, донишмандлик, меҳр-шафқат, шиддат, халоскорлик ташиган. Меҳмонлардан бири, энг муҳими, Темурона улуғворликни кўрдим, деди. Яна бири бу асар албатта, миллий тасвирий санъатимиз Темурномасидан муносиб ўрин олади, деган фикрни айтди. Иккаласига ҳам юз фоиз қўшилдим. Бошқаларни билмадиму, мен Амир Темур қарашларидан кутилмаганда яна бир нарсани — умидни ҳам уқдим. Бобомиз нимани-дир истаб турарди. Ҳа, тоздим! У киши бу ердан — кўргазма залидан чиқиб тўғри Оқсаройга бормоқчи, унинг бағрида, аниқроғи, ўзининг номи билан аталувчи қутлуғ боғда ўтириб томоша қилмоқчи, олис-олисларга — қадрдони Самарқандга боқиб, ўша, ўз юртининг қадди тикланаётганини кўрмоқчи... Шунинг учун бу имкониятга тезроқ мушарраф бўлайин деб бутун Ўзбекистон аҳлига меҳр билан илтижоли боқиб турибди. Бобо, кутганингиз, истаганингиз албатта бўлади, фақат озгина сабр қиласиз, дейман ўзимча пичирлаб...

Менинг портретдан уққан бу таассуротимга Фазлиддин Ҳотамов қўшилди:

— Тўғри англабсиз. Ҳозиргача фақат рассомлар асарларидагина яшаб келаётган улуғ бобомизни куттириб қўймаслигимиз керак! Буюк соҳибқиронни шаҳар ва қишлоқларимизнинг муқаддас жойларида, кўркам боғларимизда кутиб олайлик. Шундай қилсак, китобига аталган пулини Амир Темур жамғармасига ўтказган Жаҳонгирлар, келажак олдида юзимиз ёруғ бўлади!

Иншоолло шундай бўлғай!

Юсуф БЕРДИЕВ.

СОҲИБҚИРОН СОҒИНИБ ҚОЛМАСИН

• Қадриятларимиз

МУҲАРРИРИЯТДАН: Ишончимиз комилки, жумҳуриятимизда шаҳрисабзликлар бошлаган хайрли ишни қўллаб-қувватловчи эзгу ниятли, саҳоватли кишилар ва жамоалар кўплаб топилади. Шунинг учун Амир Темур жамғармасининг ҳисоб номерини эълон қилишни лозим топдик: ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИ, АГРОПРОМБАНК, ҲИСОБ-КИТОБ РАҚАМИ № 74601, АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ.

5.

ЯНГИ ШИФОХОНА

ЭЛ СОҒЛИҒИ— ЮРТ БОЙЛИГИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Акмал Икромов районидаги 7-шифохона қошида 60 ўринли аёллар маслаҳат уйи очилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган маслаҳат уйида малакали мутахассислар хизмат кўрсатмоқдалар.

Суратда: маслаҳат уйи очилиши тантаналари.

Суратқаш Даврон АҲМАД.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 78

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.